

“ЖАСОРАТ ВА ЗАКОВАТ СОҲИБИ: СОЛИ АДАШЕВ”

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

*илмий ходими: **Шириной Йигиталийева***

Инсоният тарихида Иккинчи жаҳон уруши каби оғир синовлар халқларнинг жасорати, матонати ва Ватанга садоқатини янада яққол намоён этган.

Ана шундай машаққатли йилларда ўзбек халқининг минглаб фарзандлари каторида Соли Адашев ҳам юрти озодлиги йўлида жонбозлик кўрсатган қаҳрамонлардан биридир.

У нафақат жасур жангчи, балки зийрак разведкачи сифатида душман ортида амалга оширган хавфли вазифалари билан ажралиб туради.

Мазкур мақолада Соли Адашевнинг ҳаёти ва жанговар йўли, айниқса разведка соҳасидаги фидокорона хизматлари ёритилади.

Унинг жасорати, топқирлиги ва садоқати бугунги авлод учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу мақола орқали Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилган қаҳрамонлар хотирасига эҳтиром билдириш ва уларнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш мақсад қилинган.

Соли Адашев 1923 йил 2 мартда Норин тумани Тўда қишлоғида туғилган. Ватан уруши бошланишига қадар ўқитувчилик қилган Соли Адашев бир неча ойлик ҳарбий машқдан сунг фронтга кетди. Шу пайтда 2 – Белоруссия фронтининг кўшинлари немис – фашист босқинчиларини қадимий рус шаҳри – Смоленскдан ҳайдаб чиқариб, Витебск шаҳри бўсағаларида турарди.

Соли Адашев ҳарбий қисмга келиши биланоқ уни разведка группасига командир қилиб тайинладилар. Разведкачи армиянинг кўз – қулоғи, ғалабанинг калити эканини яхши тушунган Адашев кўмондонликнинг жанговар топшириқларини бажонидил бажаришга киришди.

Қисмдаги жанговар дўстлари ҳазиллашиб Солижонни “тил”чи, “тилшинос” деб аташар эди. Адашев математика муаллими бўлсада, тилни яхши билгани учун “тилшинос” дердилар.

Бу лақабнинг нима учун қўйилгани ҳам маълум бўлди. Жангчи дўстларининг шундай лақаб қўйишига сабаб – унинг душман томонидан “тил” ушлаб келишга усталиги экан. У немис тилини яхши билмасада, бу ердаги “тилчилиги” учун етарлича сўзларни билар, тирик ўлжасига ўз гапини тушунтира оларди. Бунинг устига топографияни яхши билгани ҳам жуда асқотди.

Разведка осон иш эмас. Душманнинг орқа томонига ўтиб, унинг кучларини, ўт очиш нуқталарини, қурол – аслаҳаларива аскарлари жойлашган ерларни билиш, бунинг устига яна уша жойларни аниқ қилиб айтиб бера оладиган “тил”ниқўлга тушириб келиш анча оғир ва хавфли иш. Разведкада озгина эҳтиётсизлик ўзи учунгина эмас, балки шериклари, қисмнинг барча жангчилари учун ҳам хавф тўғдиради. Мана шундай нозик пайтларда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиш зарур. Тажрибали “тилчи” Солижон бу талабларнинг ҳаммасига жавоб беришга ҳаракат қилар эди.

Ҳамма ёп – ёруғ кунни хуш кўрса, разведкачилар, кечасини, айниқса тимқоронғи тунларни афзал кўрадилар. Ҳамманинг ёруғ кунга эришиши учун ҳам шундай зим – зиё қоронғи кечалар уларга мадад берарди.

Шонли разведкачилар зимистон кечада эмаклаган ҳолда не – не машаққатлар билан ўрмон чеккасига чиқиб олдилар. Адашев компасга қараб қаерга чиққанларини шерикларига тушунтирди. Шу пайт олдинги томонда - душман позитсиясидан отилган ракеталар Витебск дарёсини симобдай юзини ёритиб юборди. Разведкачилар қалин буталар орасига яшириниб оғир нафас олар ракета отилган томонга қараб ётар эдилар. Адашев шерикларига жиндек дам олишни буюрди.

Шерикларига шу ернинг ўзида шайланиб туришга агар душман уларнинг траншеяга бораётганини сезиб қолиб тўполон кўтаргудек бўлса жойларидан туриб автоматларидан ёппасига ўт очишларини шу билан душманни чалғитиб, ўзи билан

Павловнинг қайтиб келишинитаъминлашни буюрди. Шундай қилиб Адашев жангчи Павловни ўз ёнига олиб ишга киришди.

Адашев тўзган режа пишиқ ва пўхта чиқди. У Павлов билан аста – секин эмаклаб, немис блиндажига яқинлашди. Блиндажни кўриқлаб турган немис солдати навбатчи келавермаганидан зерикиб, тоқатсизланар, совуқдан шумшайиб уёқдан бу ёққа зир югурар,гоҳо ҳар хил латта – путталар билан ўралган афт башарасини буриштириб, нималарнидир вайсар эди. Лекин у ўзи томон тикилиб турган икки азаматдан хабарсиз эди. Адашев билан Павлов қимирламай, пайт пойлаб туравердилар. Ниҳоят немис милтиғини ерга қўйиб, тамаки ўрай бошлади. Шу вақт Адашев немиснинг устига йўлбарсдай сакраб, уни бўғиб босиб олди. Икки азамат немиснинг қўл – оёғини боғладилар. У бақирмоқчи бўлганида Павлов унинг оғзига латта тикиб қўйди.

Сувоқ пайтида “тил” душман кучи ҳақида кўп маълумот берди.

Эрталаб душман катта куч билан ҳужум бошлади. Бизнинг қисмларимиз гитлерчилар ҳужумига жавобан қарши ҳужумга ўтиб, душманни дарё бўйига қувиб боришга муваффақ бўлдилар, аммо душман кўп сонли танк ва самолётлар билан қайта ҳужумга ўтди. Душманинг сон жиҳатдан кўп бўлганлиги, ҳаводан тинмай бомбардимон қилиб туриши натижасида қисм жангчилари қайта чекинишга мажбур бўлдилар.

Эртаси кўни қисм командири Адашевни ўз ҳузурига чақириб, унга дарё бўйида жойлашган душман кучлари ва мудофааси тузилишини, ўт очиш нуқталарини пухта аниқлаб келиш вазифасини топширди. Адашев топшириқни олгач ўз разведкачилари билан қоқ ярим кечада йўлга чиқди.

Кўёш ҳамма ёқни ёритиб юборган, кўм – кўк Витебск дарёсининг суви сокин оқарди.Чор атроф кафтдек кўриниб турса ҳам, тепаликдан бош кўтаришнинг ҳеч иложи йўқ. Улар тепаликдан пастга тушиб, буталар орасидан ўнг томонга қараб кетдилар.

Улар икки кечаю икки кундуз юриб душманининг картада белгиланган жойлардаги ўт очиш нуқталарини, қаерга кўпроқ куч тўпланаётганини, ёқилғи

омборларини, мудофаа позитсияларини аниқлаб, қайтаётганларида ўрмон чеккасида душман разведкачилари тўкнашиб қолишди. Икки орада бўлган отишма вақтида бизнинг разведкачилардан уч киши ярадор бўлди, улардан бири оғир жароҳатланган эди. Душман разведкачиларидан бештаси ўлдирилди. Разведкачиларимиз оғир ярадорни навбатма – навбат кўтарганлари ҳолда тонг отарга яқин қисм штабига олиб келдилар ва ундан душман тўғрисидаги муҳим маълумотларни олишди. Шунингдек ярадор дўстларини ҳам толиққан бўлишсада, елкаларида кўтариб, полкка етказиб келдилар.

Адашев хизмат қилган ҳарбий қисм 1944 йилнинг март ойида жанг билан бир неча юз километр йўл босиб, Могилёв шаҳри бўсағасига етиб борди ва уша ерда мудофаага ўтди. Шу жойда кумондонлик Соли Адашевни полк разведкачилари бўлинмасига командир қилиб тайинлади. Душман бу ерда – Пронья дарёсининг ўнг соҳилида қаттиқ мустаҳкамланиб олиб, ҳужум бошлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда эди.

Фашистлар гарчи дарёнинг нариги томонида бўлса ҳам, ўз мудофаасини дарё соҳилидан тахминан 200 – 300 нарига қурган, бўш майдонга эса – ҳар қадамга биттадан, шахмат усулида мина кўмиб ташлаган эди.

Кўмондонлик разведка бўлинмасининг командири Соли Адашевга уч – туртта сапёр билан бирга дарёдан ўтиб, мина кўмилган жойларни тозалаб, пиёда аскарларнинг ўтиши учун йўл очиб келишни буюрди.

Бу вазифа жуда ҳам оғир ва мураккаб эди. Бундай мушкул вазифани бажариш учун душман тинмай ўқ, снаряд миналар, турли хилдаги бомбалар ёғдириб турган азим дарёдан ўтиш керак бўлар эди. Душман мудофаа маррасининг биринчи траншеясида 50 – 100 метр узокликка кўмилган миналарни эса душманнинг қоқ “тумшуғи тагида” туриб кавлаб олиш ва зарарсизлантиришга тўғри келар эди. Бу жанговар вазифани бажаришга артиллерия ва минамётлар ёрдам беролмас эди. Чунки бу топшириқни душманга сездирмай бажариш зарур эди. Артиллериянинг душмандан 50 – 100 метргина берирокда турган разведкачиларимизга зарар етмайдиган қилиб ўт очиши мутлақо мумкин эмас эди.

Адашев бошлиқ тўрт разведкачи ва икки сапёр ярим кечада Проня дарёси соҳилига келиб, мўлжалланган жойга сузиб ўтиш учун дарёнинг юқори томонига қараб бир неча юз метр юргач, оқимга қараб сувга тушдилар. Сувнинг ўртасига етганда душман томонидан ракета отилди. Ракета дарё бетини ёп ёруғ қилиб юборди. Душман гарчи разведкачиларнинг дарёдан сўзиб ўтаётганларини пайқамаган бўлса ҳам, онда – сонда пулемётдан ўқ отиб турар эди. Баҳодир разведкачилар гоҳ сувга шунғиб, гоҳ бошларини кўтариб сўзиб борардилар. Улар қирғоққа яқинлашганларида душман уларни пайқаб қолди шекилли, дарё ичига қарата сурункасига ўқ уза бошлади. Бизникилар ҳамон сув оқимига қараб, мўлжалланган жойни кўзлаб борардилар. Қаттиқ отишма натижасида бир разведкачига ўқ тегиб сув ичига фарқ бўлди. Ниҳоят разведкачилар соҳил бўйига бориб, совуқ қум ичида ўтириб қолдилар.

Улар соҳил бўйида, белларигача қумга кўмилган ҳолда душман томонни кузатиб ўтирдилар. Адашев дурбинни ҳеч қўлдан қўймай кузатар, қўлидаги картага қаердан ўқ чиқаётганини, пулемёт, тўп ва миномёт нуқталарини ёзиб борар эди.

Иккинчи куни ҳам разведкачилар шу кузатишни давом эттирдилар. Сапёрлар эса душман томонидан миналаштирилган майдонларни текшириб бўлиб, танкка қарши кўмилган миналарни зарарсизлантириб, жангчиларимизга йўл очиб келдилар ва бу ҳақда Адашевга рапорт бердилар.

Жангчилар учинчи куни кечаси ишни битириб, дарёдан сузиб ўтиб, ўз қисмларига етиб келдилар.

Разведканинг аниқ маълумотига асосланиб қисм ҳужумга тайёрлана бошлади. Орадан икки кун шитгандан сунг айни тонг отарда артиллерия душман мудофаасини бир соатча сурункасига ўққа тутди. Мана шу пайтда қисм жангчилари дарё бўйига етиб келиб, кўприк қурдилар. Қисм кучли “ура” садолари остида ҳужумга ўтди ва тез орада душманнинг биринчи траншеясига бостириб кирди. Жангчилар моҳир сапёрларга, қахрамон разведкачиларга офаринлар айтдилар.

Ўша куни жангчилар ўн икки километр олдинга силжиб, катта урмон ёқасига келиб тўхтадилар.

Қисм жангчилари олдиндан ва орқадан отилаётган ўқлар орасида қолгач, чуқурларга тушиб мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар. Сон жиҳатидан кўп бўлган душман солдатлари қисм жангчиларини қириб ташлаш учун бостириб келарди. Душман яқинлашиб қолганда жангчиларимиз автомат ва қўл пулемётларидан ўт очиб душманни қийрата бошлади. Солижон граната ирғитиб 30 га яқин гитлерчини қулатди. Орқа томондан отилган граната парчаси Адашевнинг пешонасидан ярадор қилди. Юзидан тизиллаб қон оқаётганига қарамасдан Адашев ўшқириб келаётган гитлерчиларга бирин – кетин уч граната ирғитди. Қисқа, аммо даҳшатли бўлган бу жангда Адашевнинг ёлғиз ўзи 50 дан ортиқ газандани қириб ташлади. Пистирмадаги немислардан бир нечтаси асир олинди.

Полк командири Адашевга яна “тил” келтиришни, яъне полкка қарши турган душманнинг биронта офитсерини, ҳеч бўлмаса оддий солдатларидан бирортасини ушлаб келишни буюрди. Адашев ёнига икки разведкачини олиб, тун ярим кечадан оққанда йўлга тушди. Улар қуюқ ўрмон ичидан юриб юзлари қуруқ буталарда тирналган ҳолда ўрмон чеккасига чиқдиларда, атрофни кузата бошладилар. Шу пайт Адашев ертўланинг ичида милтиллаб турган ёруғликни кўриб қолди. У, ертулага ёлғиз ўзи бормоқчи бўлиб, разведкачиларга:

-Шу ерда қимирламай, шайланиб турасизлар, башарти душман томонидан ўқ овози чиққундай бўлса, автоматдан сурункасига ўқ узасизлар, деб тайинлади – да, ўзи эмаклаб ертулага яқинлашди. Землянка ичида бир немис офицерни ва бир солдат овқатланиб утирар эди. Атроф жим – жит. Адашев ертўла эшигини бор кучи билан тепиб ичкари кирди ва икки фашистни ҳам отиб ташлади. У югурганича бориб стол устида турган сумкани, офицерни ёнидаги хужжат ва тўппончани, ёнида тўрган автоматни олиб ертўладан шошилиб чиқаётган эди, чой кўтариб келаётган немис солдатига дуч келди. Адашев вақтни бой бермай автомат қўндоғи билан уриб йиқитди – да, келган томонга қараб бор кучи билан югурди. У, ўрмон чеккасида пойлаб турган шерикларининг ёнига етиши билан, орқасида пойлаб турган шерикларининг ёнига етиши билан, орқадан отишма бошланди. Бу вазият “тил”ни бошқа ердан ушлашга мажбур қилди.

...Уч азамат яна зимистон урмоннинг ичига кириб кетди. Улар энди тонг оқариб келаётган пайтда душманнинг пулемёти жойлашган ерга етдилар ва пулемётчиларнинг овозларини эшитдилар. Дарҳол чуқур ичига тушиб, душман пулемётчиларини кузата бошладилар. Немислар тикка турганлари ҳолда алланималар деб сўзлашарди. Орадан сал фурсат ўтмай, иккитаси ўнг томонга қараб кетди, пулемёт олдида битта битта семиз солдат қолди. У тунни билан ухламай ўк отиб чиққани учунми, ҳадеб пулемёт ёнига утириб эснар эди. Уч азамат ҳаракатга кириб, ербағирлаб ўрмалаб кетдилар, фашист газанда эснаб турганда, унинг оғзига латта тикди, Адашев немисчалаб, “олдимизга туш, товуш чиқарсанг отиб ташлайман”, - деб тушунтирди. Фашист газандаси уларнинг олдига тушиб лўкиллаб борарди. Улар қисмга анчагина хужжат билан “тил”ни топширдилар.

Шу воқеадан икки кун ўтгандан сўнг қўшинларимиз хужум бошлаб, Проня дарёсидан кечиб ўтдилар, душманнинг қаттиқ мустаҳкамланган мудофаасининг Чаусининг шимолида ёриб ўтдилар ва фронт маррасини 40 километрга қадар кенгайтириб, яна 20 километр илгари силжидилар. Мана шу жангларда кўрсатган матонати ва мардлиги учун Соли Адашев Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

1944 йилнинг 28 июн куни 2 – Белоруссия фронтининг қўшинлари 120 километр кенгликдаги участкада Днепр дарёси орқали душманнинг ғарбий қирғоқдаги иккинчи мудофаа маррасини ёриб ўтдилар ва Белоруссиянинг йирик маркази Могилёв шаҳрини штурм билан эгалладилар, Могилёв шаҳри учун бўлган жангларда душманнинг 12 – пийёда аскарлар дивизияси тор – мор келтирилди, унинг командири генерал - майор Бамлер штаби билан биргаликда асир олинди, шунингдек Могилёв шаҳрининг коменданти генерал – майор Эрдмансдорф ҳам асир тушди.

Днепр дарёсидан кечиб ўтишда ва Могилёв шаҳрини штурм билан эгаллаш учун бўлган жангларда ўзбек халқининг азамат ўғли Соли Адашев қаҳрамонлик кўрсатди ва 1945 йил 23 – мартдаги фармон билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Урушдан қайтгач давлат аппаратида қўп йиллар мобайнида фаолият юритган.

Фойдаланилган адабиёт

1. Давронов, М. Иккинчи жаҳон уруши фронтлари тарихидан. Тошкент: Ўзбекистон Миллий нашри, 2005.
2. Абдурахимов, Ш. Совет қаҳрамонлари ва уларнинг фронтдаги хизматлари. Тошкент: Ўзбекистон фан нашриёти, 2010.